

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯНИ ТАРҚАТАЁТГАН ОМИЛЛАР

Ғаппарова Севара Хикматулла қизи

Қорақалпоқ давлат университети талабаси


Аннотация: *Ушбу мақолада кўриб чиқиладиган асосий масала коррупциянинг мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш жараёнида асосий тўсиқ бўлишига қаратилган. Бундан ташқари коррупция ўзи нима эканлиги, уни келтириб чиқараётган омиллар ва коррупцияга қарши курашда дунё тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, уларга самарали ечимлар тўғрисида маълумот берилган.*

Калит сўзлар: *коррупция, коррупцион ҳатти-ҳаракатлар, коррупциянинг тури, коррупцияни тарқатган омиллар, рақамлаштирилган технология, маъсулиятли матбуот, иш ҳақи даражаси, институционал назорат.*

Юртимизда коррупциянинг кенг ёйилишига бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда. Айнан шу аниқланган омиллар туфайли коррупцияга қарши кураш йўлларини топиш мумкин. Яъни, муаммонинг ечими уни келтириб чиқарган сабабига боғлиқдир. Қуйида коррупция бўйича бутун дунё тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, коррупциянинг келиб чиқишидаги асосий омиллар ва сабаблар мавжуд.

Коррупция одатда *давлат фаолияти* билан, айниқса давлатнинг монополияси ва ихтиёрийлиги билан боғлиқ. Шунинг учун, иқтисод бўйича Нобел мукофоти совриндори Гарри Беккер ўзининг “Бизнес ҳафталиги рукнлари” дан бирида таъкидлаганидек, “Агар биз давлатни бекор қилсак, коррупцияни ҳам йўқ қиламиз. Лекин, цивилизациялашган жамият давлатсиз фаолият кўрсатса олмайди ва замонавий, илғор жамиятларда давлат кўплаб функцияларга эга бўлиши керак”. Беккенинг бу келтирган фикрини Канада, Дания, Нидерландия ва Швеция каби дунёдаги энг кам коррупциялашган мамлакатларда солиқ тушумлари ва давлат харажатларининг энг йирик улуши давлат секторларига тегишли эканлиги исботлаган. Яъни давлат секторида хизмат қилаётган хизматчилар даромадларининг хусусий секторда топиш мумкин бўлган даромадларидан камлигидир.

Иш ҳақи даражаси: Кўп йиллик илмий изланишлар натижасига кўра, коррупция даражасини аниқлашда давлат хизматчиларига тўладиган иш ҳақи муҳим аҳамиятга эга эканлиги тахмин қилинган. Масалан, куйидаги расм орқали тушунишга ҳақарат қилсак,



Бу ерда, $КК^1$ – коррупция ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги мувозанатни ифодалайди. Иш ҳақи қанчалик юқори бўлса, коррупция шунчалик паст бўлади. Фараз қилайлик, $ОИ$ – давлат хизматчига бериладиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридagi иш ҳақи даражаси бўлса, $ОО$ – очкўзлик туфайли келиб чиқадиган коррупция, $ОО$ – дан ташқари эҳтиёж туфайли келиб чиқадиган коррупциядир. Бу расм шунингдек, иш ҳақи даражасидан қатъий назар, баъзи давлат амалдорлари ўзларининг психологик ва ахлоқий жиҳатларидан ҳам коррупцияга тушиб қолишларини ифодалайди

Қонунлар, қоидалар ва жараёнлардаги шаффофлик: Кўпгина мамлакатларда қонунлар, қоидалар ва жараёнларда шаффофликнинг йўқлиги коррупция учун замин яратади. Қоидалар кўпинча чалкаш бўлиб, уларни кўрсатадиган ҳужжат оммага яширин ва баъзида қоидалар тўғридан – тўғри эълон қилинмасдан ўзгартирилади. Чиқарилаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар фақат малакали юристлар томонидан тушунила оладиган тарзда ёзилиб, лингвистик жиҳатдан ноаниқ ҳолда турли талқин қилиниш ҳолатларига сабаб бўлади. Баъзи мамлакатлар, масалан Янги Зеландия, сўнги йилларда ҳукуматнинг барча ҳисоботлари ва ҳаракатларида шаффофликни ошириш учун катта саъй – ҳаракатларни амалга оширди ва коррупция даражасини пасайтирди.

Институционал назорат: бу шундай институтки, унинг бутун фаолияти коррупция билан боғлиқ бўлиб, фаолиятини амалга оширишда кенг ваколатлардан фойдаланади. Бир қатор давлатлар, жумладан Сингапур, Уганда, Гонгконг, Аргентина ва бошқалар коррупцияга қарши комиссиялар ва идоралар туздилар, уларга коррупция ҳақидаги ҳисоботларни кузатиш масъулияти юкланган. Бу идоралар самарали ишлаши учун сиёсий ҳокимиятдан мустақил, энг виждонли ходимларга ва кенг русурсларга эгадир. Улар шунингдек, жазоларни ижро этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, ҳатто суднинг ҳам устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Афсуски, айрим

мамлакатлар шу қаторида бизнинг юртимизда ҳам Коррупцияга қарши кураш агентлигига бундай ҳуқуқлар берилмаган.

Коррупциянинг мамлакат ривожига учун энг катта тўсиқ эканлигини президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз”, - деган сўзларидан ҳам билиш мумкин. Коррупция давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан дунёдаги рейтингини пасайишига хизмат қилади. Мамлакатнинг қудрати кўпроқ унинг иқтисодий мавқеи билан белгиланади. Шу сабабдан ҳам коррупциянинг иқтисодиётга қилган таъсири энг оғир ҳолат ҳисобланади.

Коррупциянинг иқтисодиётга таъсири: Коррупция давлат даромадларини камайтиради ва давлат ҳаражатларини оширади. Шундай қилиб, у каттароқ бюджет тақчиллигига ҳисса қўшади ва ҳукуматнинг тўғри молиявий сиёсат юритишини қийинлаштиради. Коррупция даромадлар тезлигини ошириши мумкин, чунки у яхши мавқега эга бўлган шахсларга давлат фаолиятида аҳолининг қолган қисми ҳисобидан фойдаланишга имкон беради. Коррупция бозорларни ва ресурсларни тақсимлашни бузади, чунки у ҳукуматнинг бозордаги камчиликларни тuzатиш учун зарур тартибга солувчи назорат ва текширувларни ўрнатиш қобилиятини пасайтиради. Ҳукумат банклар, шифоҳоналар, озиқ-овқат тақсимооти, транспорт фаолияти, молиявий бозорлар ва ҳоказоларда ўзининг тартибга солиш функциясини бажармаса, у ўзининг асосий ўрнини йўқотади. Аксинча, аралашув коррупция билан боғлиқ бўлса, масалан, ҳукумат шахсий манфаатлари учун монополиялар яратса, бу камчиликларни янада кўпайиши мумкин.

Коррупция муаммоси бўйича ҳозирги муҳокама ва давом этаётган мунозалардан келиб чиққан фойдали хулоса шундан иборатки, коррупция мамлакатдаги чуқур илдиз отган ва фундаментал иқтисодий, сиёсий ва институционал заифликлар ва камчиликларнинг аломатидир. Ҳар бир фуқаро коррупциянинг ўзи нима эканлигини, унинг оқибатлари ва унга қўлланиладиган жазо чораларини тўғри англаб етиш лозим. Мамлакатда ўрнатилган маълум бир қонун-қоидаларнинг амалиётга тўғри тадбиқ қилиниши келиб чиқадиган тартибсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади. Бу ҳолатни барчамизга маълум бўлган футбол ўйини мисолида кўриб чиқишимиз ҳам мумкин. Футбол ўйини мусобақаларида қатнашиш ва фаолиятининг тартибли давом этиши учун муайян “қонун-қоидалар” га жумладан, ҳалокатли можароларнинг олдини олиш, очкўзлик, йиртқичлик ва бошқа нохуш инсон инстинкларини назорат қилиш, ижтимоий номақбул оқибатларни минималлаштириш ва умумун ўйинчила ҳамда ҳакамлар маълум маънавий ҳулқ - атвор стандартларига риоя қилишларини таъминлаш мақсадида талаб қилинади. Табиийки, қоидалар тўғри бажарилиши учун улар шаффоф бўлиши керак, яъни ўйин иштирокчилари томонидан тушунилиши ва уларга бўйсунлиши учун аниқ белгиланиши ва барча манфаатдорларга олдиндан маълум қилиниши лозим. Агар ўйинчилар

қандай қоидабузарлик бўлиб, уни жазоланишини аниқ билмаса ёки ҳакам қачон ҳуштак чалиши кераклигини билмаса, ўйин тартибли давом эта олмайди. Аниқ бўлишдан ташқари, қоидалар барча ўйинчиларга нисбатан холис тарзда қўлланилиши, изчил бўлиши ва тез-тез ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаслиги керак. Шубҳасиз, агар ўйин давом этар экан, қоидалар ўзгариб турса ва ҳакам ҳоҳлаган вақтда ҳуштак чалиб турса, ўйин ўйнаб бўлмайдиган ҳолга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 52 b.
2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 104 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi [Elektron manba]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>
4. Konvensiya Organizatsii Ob'edinennых Natsiy protiv korrupsii (Prinyata rezolyusiyey 58/4 Generalnoy Assamblei ot 31 oktabrya 2003 goda) // [Elektronnyy resurs]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.html
5. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf
6. Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf
7. Asia – Pacific Development journal. Vol.7, No. 2, December 2000